

• Район МЕХНАТКАШЛАР ХАТИГА ЭЪТИБОР

КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида меҳнаткашларнинг хатлари ва тақлифлари билан ишлашни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори меҳнаткашлар хатлари билан ишлашда муҳим дастуриламал ҳисобланади. Унда ҳар бир хатга ғоятда эътибор билан қараш, уларга ўз вақтида жавоб бериш, меҳнаткашларнинг хатларини ва тақлифларини илгари сурилган масалаларини ҳал этишга ёрдам бериш, бунда айниқса мутасадди раҳбарларнинг масъулиятини янада ошириш ва бошқа муҳим йўл-йўриқлар кўрсатиб ўтилган.

Биз бу масала юзасидан район ташкилотлари ва муассасаларида тез-тез текшириш ўтказиб турибмиз. Яқинда район соғлиқни сақлаш бўлими ишнинг текшириш.

Бу ерда шу нарса маълум бўлдики, 1984 йилда соғлиқни сақлаш бўлимига 39 та хат келган. Бу хатларда касаллик варақаларини нотўғри бериш, ўз вақтида медицина ёрдамининг қўполлиги қилиш ҳоллари, медицина хизмати кўрсатишдаги камчиликлар очиб ташланган. Тўғри, бу хатлар 15 кун муддат ичда кўриб чиқилган. Бўлимдаги хатларни ҳисобга олиш учун махсус журнал тутилган. Бироқ, бу журнал тала-партиш. Унда тузилганларга йўл қўйилган. Шикоятчиларнинг исм-фамилиялари ёзилмаган. Текширишда шу нарса аниқландики, шикоятчиларнинг учта хати журналда қайд этилмаган.

Бу ерда ҳамма хатлар билан ишлаш ҳам охирига етказилган, деб бўлмайди. Хатларни кўриб чиқиш инструкторининг қўпол суратда бузиш ҳоллари ҳам рўй берган. 3-стоматология поликлиникада (бош врач Х. Аминова) айниқса хатларга етарлича эътибор берилмаётган. Масалан, 1984 йилда бу ерда биронта ҳам

хат қайд этилмаган. 1983 йилда келган учта хатдан фақат биттасини қайд этилган, холос. Хатларни кўриб чиқишда сансалордик ҳоллари йўл қўйилмоқда. Масалан, гражданин Е. А. Головачева икки йил мобайнида тиш қўйдириш учун поликлиникага уч марта мурожаат қилишга мажбур бўлди. Шундан сўнггина уни тиш қўйдириш учун навбатга ёзишган. Поликлиникада хатларнинг қабул қилиш ва уни қайд этишга эътиборсизлик билан қаралган. Шикоятлар юзасидан олиб борилаётган иш натижалари ҳам қайд этиб бориладигани, оқибатда хатлар натижаси нима билан тугаётганини билдиш қийин.

Умуман, район соғлиқни сақлаш бўлимида айрим хатларнинг кўриб чиқишда сансалордик ҳоллари аниқ-ягона эмас. Масалан, гражданин Толмачевнинг шикоят операция кўриб чиқилмади. Натигада у айрим медицина ходимларининг ўз ишга масъулиятсизлиги билан қараш

РАЙОНЛАРДАН ХАБАРЛАР

Акмал Икромов райони

Район халқ контроли комитетининг йиғилишида «Гавташентстройга» қарашли 12-қурилиш трести қурилиш бошқармаларида давлат план-тўғричиликнинг қонирасиз бажарилиши, амалга оширилмаётган ишларнинг сифати пастлиги, молия ва план интизомидеги нуқсонлар, материалларнинг талон-тарож қилиниши ҳақидаги масала кўриб чиқилди. 50 ва 52-қурилиш бошқармаларида план ва мажбуриятлар мунтазам бажарилаётганлиги, иш сифати ҳамон пастлиги таъкидланди.

Буларнинг ҳаммаси бу қурилиш бошқармалари ва 12-трест раҳбарларининг масъулиятсизлиги оқибатида келиб чиққан. Район халқ контроли комитети айбдорларни қаттиқ жазоланди.

Киров райони

Район назоратчилари корхоналар ва ташкилотлар қайта ишлаш учун қора ва рангли металл топиришни планини қандай бажараётганлигини текширдилар. Шаҳар почта алоқаси ишлаб чиқариш техникаси билан бирлашмаси, кўп профили болалар касалхонаси, уй-йўл эксплуатация-ишлаб чиқариш трестиде бу борада жиддий камчиликлар мавжуд. Қора ва рангли металллар топириш планиларини бажармаётган, бу борада исрофгарчиликка йўл қўётган айбдорлар жазо олдилар.

Куйбишев райони

Район халқ назоратчилари САНИИ-РИ институтини гаражиде тунда текшириш ўтказганларида навбатчи меҳнатчи, қоровулнинг йўқлигини аниқлашди. Қоровул қаттиқ маст ҳолда бўлган. 140 машинанинг яримдан кўпроги гаражда бўлмаган. Шу кунини институтга қарашли 18—20 ТНҚ номерли автобус Корасу массиви ва Горький майдонини оралиғиде ҳаракат қилган. Бунга қадар шу ташкилотга қарашли КамАЗ машинани Самарканд облатининг Ургут районида беғона шахсларнинг қартишқасини ташвиётган пайтда тўхтатишган эди.

Халқ назоратчилари «НИИстрой-проект» институтини гаражиде ҳам шундай текшириш ўтказиб, қатор нуқсонларни аниқладилар. Айбдорлар қаттиқ жазоланди.

Ленин райони

Районда мева-сабзавот маҳсулотлари билан савдо қиладиган магазинлар иши оммавий текширишдан ўтказилди. 17-магизин сотувчиси Самбонова харидорга саримсқ, пива, олма, бодирин сотиб, ундан 41 тийин ортқиқа ҳақ олган.

5-магизин сотувчиси Алимов, 7-магизин сотувчиси Сайфутдинов, 10-магизин сотувчиси Раҳимов, 12-магизин сотувчиси Хасановлар ҳам харидорлар ҳақиқа хийнат қилган.

Сотувчилар ишнинг назорат этилганлиги, бунинг натижасида харидорлардан ортқиқа ҳақ олинишига йўл қўйилганлиги учун текширилган магазинларнинг мудирилар жазоландилар. Шунингдек, харидорлар ҳақиқа хийнат қилган сотувчилар ҳам тегишли жазо олдилар.

Октябрь райони

Назоратчилар райондаги кийим тикилмаган бир неча ательеда текшириш ўтказдилар.

Текширишда буюртмаларни қийматиде тўлдирмасдан бажариш, қийматини себасиз равишда муддатиде кеч тикиб бериш ҳоллари аниқланди. 3-ательеда айрим камбё модаллар оморда бўлишига қарамай витриналарга қўйилмаганлиги факти ҳам назоратчилар томониде аниқланди.

Район халқ контроли комитетини аниқланган нуқсонлар учун 3-ателье мудири А. Н. Хан ва 44-ателье мудири С. Қодироваларга вивогор берди. 31 ва 35-ателье мудирилар ҳам жазоландилар.

Собир Раҳимов райони

Район халқ контроли комитетининг қарорига биноан 6-қурилиш трестига қарашли 32-бошқарма бошлиғи С. М. Залевский вазифасидан озод қилинди.

Халқ назоратчилари ўтган йилнинг маъна ойда бу қурилиш ташкилотини ишнинг текширилганларида давлат план-тўғричиликнинг бажарилаётганлиги қурилиш материалларини яхши асраётганлиги фактларини ҳам аниқлаган эди.

Қайта текширишнинг кўрсатишча, қурилиш материаллари ҳамон талон-тарож қилинмоқда.

6-қурилиш трести халқ назорати бошқармаларида давлат план-тўғричиликнинг бажарилиши, қурилишнинг сифати таъкидланди.

Сергели райони

4-автопарк халқ назоратчилари группаси автобусларнинг техник ҳолатини текширишдан ўтказишди. Линияларга чиқарилган 109-автобусдан 85 таси техник талабларга тўла жавоб бермаслиги аниқланди. Уларнинг кўпчилигида спидометрлар, иситиш системаси, ойна тозалагичлар ишламайди.

Қайта текширишда нуқсонларнинг бартараф этилганлиги аниқланди. Р. С. Фомуров раҳбарлик қилмаган халқ назоратчилари тез-тез шундай текширишларни ўтказиб туришбди.

Район халқ контроли комитетини йиғилишида 3-автокомбинат, 4 ва 12-автопарклар халқ назоратчиларининг иши кўриб чиқилди, тажрибалар умумлаштирилиб камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Фрунзе райони

Район халқ контроли комитетини меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича комитет қарорлари Тошкент тўқимачилик машинасозлиги, пластмасса буюмлари ва маиший химия заводларида қандай бажарилаётганлигини текширди.

Пластмасса буюмлари ва маиший химия заводиде ҳам аҳвол яхши эмас. Район халқ контроли комитетининг меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини сақлаш бўйича қарорларини бажариш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар қўрамаганилиги учун Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводи бош инженери Г. А. Шарин, меҳнат ва техника хавфсизлиги бўлими мудири Е. И. Мишляев, пластмасса буюмлари ва маиший химия заводи бош инженери И. Я. Захаревич қаттиқ жазоландилар.

Ҳамза райони

Дон маҳсулотлари комбинатининг А. Н. Ли мудирилик қилмаган ёрдамчи хўжалиғиде содир бўлаётган қўпгина ажабланилар воқеалар назоратчилар эътиборидан четда қолмади. Ўтган йилнинг тўққиз ойи мобайнида комбинат ишчиларида 850 та тўвуқ реализация қилинган. Худди шу давр ичиде 711 тўвуқ ва 538 жўжа эса ўлди, деб чиқим қилинган. Бундан ташқари, тўвуқлар тарозига тортилмасдан ҳар қайсиси 2 сўм 50 тийиндан сотилган. Ёрдамчи хўжалиқда ҳисоб-китоб ишлари палатини олиб боришдан. Тўвуқларнинг ўлганлиги ҳақидаги чиқим ақлари эса, ветеринария хизматисиз изоланаверилган. Саккиз ойи мобайнида 12 минг сўмлик зарар қўрилган.

Район халқ контроли комитет қарорига биноан ёрдамчи хўжалиқ мудири А. Н. Ли вазифасидан озод қилинди. Комбинат директори ҳам қаттиқ жазоланди.

Чилонзор райони

Халқ контроли комитетини ва Чилонзор район давлат банки бўлими томонидан ҳамкорликда ўтказилган текшириш мобайнида Тошкент шаҳар Совети иқроия комитетининг 4-ремонти қурилиш бошқармасида қўшиб ёзиш бўйича қўпол фактлар аниқланди.

4-ремонти қурилиш бошқармаси бошлиғи А. М. Барсеганга ўз пайтида камчиликлар кўрсатилган эди, аммо у бундан тегишли хулоса чиқариб олмади. Гафур Гулом қўчасида 2-уйи-ҳўли биносини ремонт қилишда бажариш ишлар ҳамини 16347 сўм, Муқимий қўчасидаги 6-уйини ремонт қилишдаги иш ҳамини 21121 сўм, Чилонзорнинг 8-кварталида 50-уйини ремонт қилиш ҳамини 12958 сўм, Муқимий қўчасидаги 9-уйини ремонт қилиш ишлари ҳамини 15752 сўм ортқиқа эътибориде аниқланди. Қўшиб ёзишларнинг умумий миқдори 64687 сўмни ташкил этади. 17485 сўм маблағ эса иш ҳақи учун ноқонуний равишда тўланган.

Халқ контроли комитетини томонидан 4-ремонти қурилиш бошқармаси бошлиғи А. М. Барсеган, ишлаб чиқариш техника бўлими бошлиғи В. В. Шегай, план бўлими бошлиғи В. Ф. Косова, бош бухгалтер А. И. Обухова қаттиқ жазоланди. Район уй-йўл эксплуатация ишлаб чиқариш трестининг капитал ремонт бўлими бошлиғи Р. А. Хибаревага қаттиқ вивогор берилди.

Контроллик иши алоҳида характерга эга бўлиб, алоҳида чиниққан одамларни талаб қилади. Бу кишилар кўзи ўткир, омилкор, ишга чўқур кириб бора оладиган, ҳамма нарсани миридан-сиригача ҳолисона текширадиган бўлишлари керак.

К. У. ЧЕРНЕНКО.



- Хатлар—ҳаёт кўзгуси • Ташаббускорлик кўрсатиб
- Дастгоҳлар бекор туриб қолмасин • Исрофгарчиликка чек қўйилик • Молия интизоми бузилмасин

Йўлчи Тўйчиевич ҳақида дастлаб халқ контроли комитетиде эшитилган. Уни Сергели районидеги энг яхши назоратчилардан бири сифатида таърифлаб беришганди...


Бу одами тез-тез автокомбинат дарвозаси олдида учратиш мумкин. Унинг жарангдор овози шоферларга ҳам жуда таниш бўлиб қолган. Уз ишига астойдил илхос қўйган, жонкуярлиги билан у шоферларнига эмас, балки бутун автокомбинат ходимлари ўртасида обрў-эътибор қозонган.

Мана, ўн йилдирки, Йўлчи Хўжаев Ўзбекистон ССР Автокомбинат Транспорт министрлигининг марказлашган усулда юк ташинг трестига қарашли 3-автокомбинат халқ назоратчилари группасида ишлаб келяпти. Унинг ўзи ташаббус кўрсатиб, тез-тез рейдлар уюштирадиган. Биз уни машиналарнинг навбатдаги йўлга чиқиш чоғида комбинат дарвозаси ёнида учратдик. Ҳар бир машинани синчиқлаб кўздан кечириб, спидометри бўлмаса қайтариб юборарди.

Халқ назоратчилари активлигини ошириш борасида қандай тадбирлар қўриляпти?

Яқинда Сергели район халқ контроли комитетини ишимизни маълумлади. Ўтган йилнинг декабри ойда автокомбинатимиз халқ назоратчилари группасини ишнинг кўриб чиқди. Биз группани активлигини ошириш борасида кўп ишларни қилляпти. Энг аввало, партия ва ҳукуматимизнинг материал ва ёқил-энергетика ресурсларини тежаш борасидаги кўрсатмаларини

чиларининг номларини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Бу йил маълумки, тежаш материал, хом ашё, ёқилғи, энергетика ресурслари ҳисобига 2 кун ишлаб беришга аҳд қилинди. Бунга биз, назоратчилар ўзимизнинг салмоқли ҳиссамизни қўшишга ҳаракат қилар кириётган тақдирлар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида мавжуд резерваларни қидириб топиш ва ишга солиш, иш сифати ва самарадорлигини ошириш, иш вақтини йўқотиларга барҳам бериш ва меҳнат интизоми



СУРАТДА: «Қизил тоғ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг илгор ишчиси актив назоратчи Ольга Кодратенко. У маҳсулотларнинг сифатини бўлиш учун курашиб келяпти. М. Нурдидинов фотоси.

• Шартнома мажбуриятлари бажарилишини текширамай қўВВАТЛАР ҚАЧОН ТўЛА ИШГА ТУШИРИЛАДИ?

Буюмлар етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятлари ва давлат планларининг бажарилишини, қўвватлардан тўла фойдаланишни вақти-вақти билан назорат қилиб туриш халқ назоратчиларининг муҳим бурчи ҳисобланади.

Халқ назоратчилари қанчалик фабрикасида ана шу борада ишлар қандай йўлга қўйилганлигини текширдилар. Шунга таъкидлаш кераки, янги техникани жорий этиш бўйича белгиланган тадбирлар муваффақиятли амалга оширилди. Товар маҳсулотни реализация қилиш ҳам чакли эмас. Ингирив ишлаб чиқаришда эски тараш машиналари ўрнига янги дастгоҳлар ўрнатилди. Тўқув ишлаб чиқаришда ҳам эски дастгоҳлар алмаштирилди. Янги ўлчам машиналари ўрнатилди.

Фабрика бўйича кадрлар қўнимсизлиги ҳамон юқори, агар 1983 йилда кадрлар қўнимсизлиги 20,7 процентини ташкил этган бўлса, 1984 йилда 19,1 процентини ташкил қилди. Фабрикада прогнул қилиш, сменаларо бўш тузиб қолш ҳоллари ҳамон кўп.

Корхона халқ контроли группаси мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, бу ерда ишлаб чиқилган ташкилий-техникани бажарилишнинг устидан етарлича назорат олиб борилади. Халқ контроли группаси (раиси Виртуозова) «СССРда халқ контроли тўғрисида» Қонунда берилган ҳуқуқлардан кенг фойдаланиш, фабрикада қурилиш ишларини мумкин қадар тезроқ ўзлаштиришга қаратилган тадбирларнинг ўз вақтида адо этилишини юзасидан назоратни қўқатириш лозим.

• Назоратчилар ҳақида ҳикоялар ТАШАББУСКОР ВА ТАШКИЛОТЧИ

бажариш ва шу борада ўзимиз қабул қилган қарорларнинг ижроси устидан корхонамизда назоратни қўқатириляпти.

Аниқланган камчиликларга тезликда барҳам беришга ҳаракат қилляпти. Ўтган йили корхонамизда техник-иқтисодий кўрсаткичлар планининг муваффақиятли бажарилишида назоратчилари ишларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор.

Энг актив назоратчиларни айтиб беролмайсизми!

Марҳамат. Эксплуатация бўлимининг инженери Павел Попов, 9-автоколонна ҳайдовчиси Евгений Тон, шунингдек Абдулла Ҳамидов, Одил Ҳасанов сингари халқ назоратчилари айтиб беролмайсизми!

Автокомбинат халқ назоратчилари ишнинг пухта йўлга қўйишда ташаббускор ва жонкуяр группани раиси Йўлчи Тўйчиевичнинг хизмати катта бўляпти. Унинг ташаббускорлиги билан жойлардаги ишларнинг аҳоли янада чуқурроқ таҳлил этиладиган бўлиб қолди. Назоратчи...

мининг мустақамлашга ёрдам бермоқда.

Бу ўринда Йўлчи Хўжаевнинг етилган масалаларни коллектив суришда ҳал этишга ва текшириш натижаларини кенг ошқоралигини таъминлашга, назоратчиларга бериб қўйилган ҳуқуқлардан тўла фойдаланишга интилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Кейинги икки йил ичиде улар касба соҳасида ташкилотчи, «Комсомол проектор» штаби, мутахассислар билан биргаликда 22 та текшириш ўтказишди. Бу текширишлар яхши самара берди. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш сифати яхшиланди. Айниқса хом ашё, ёқилғи,

• Фельетончи лўқмаси

ҚИҒИР ИНИНГ ҚИЙИҒИ...

Ғойиб бўлган жиҳозлар

Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигига қарашли ташкилотлар объектларини фойдаланишга топириш ва қурилиш ишлари танхариш и арзонлаштириш борасида муайян ишларни амалга ошириб келмоқдалар. Министрик ва унинг бўлимчалари асосий кўрсаткичлар, шу жумладан меҳнат унумдорлиги, қурилиш-монтаж ишлари ва қурилиш товар-маҳсулоти бўйича планиларни удаллаб келяпти. Аммо министрликнинг айрим ташкилотларида иш кўнглидагидек эмас.

— Кейинги пайтда магазинларда «включатель», «розетка», патрон деган электр ёритиш жиҳозлари анқонинг уруғидек кўринмайдиган.

— Тўғри дейсизми! — Балли!

— Чайков бозориде-чи!

— Истаганча, охирида нархи билан олсан... Қизик, бу чайковлар уларни қаердан олишди! Бу ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмайдиган. Тошкентда хурсанд бўлиб айтган нархига олиб кетаверишди. Улар худди ўзлари тайёрлаган «очил дастурхон»дек тўзаб, бемалол сотишлар, мушунини «пяти» дейдиган одам топиладими...

Яқинда бир воқеа бўлди. «Узэлектр»

монтаж трестининг Тошкентдаги 1-монтаж бошқармаси 21 объектга ана шундай электр ёритиш жиҳозларини ўрнатди. Лекин улар сеҳрли таъқчадек бирдан ғойиб бўлди... Таваб! Балки уларни чайковчининг бозордаги «очил дастурхон» магнитдек тортиб олдимикан! Ҳар ҳолда бунини аниқлаш керак!

Акс ҳолда давлатнинг 1580 та «включатель», 2132 та «розетка», 1263 та патрон ва бошқа электр ёритиш жиҳозлари, жами 1567 сўмлик материаллар суғга қўйилган йўқ бўлиб кетаяверадими!

Ҳикоят қилишларича, бир хасис бир мири пулни тушириб юборибди. Дарҳол ердан олиб юз-кўзига сўртиб ўйибди ва синаб-синаб чўнтагига ҳидди:

— Отам ҳам, онам ҳам, дўсту ёрим ҳам сенсан! Ох, ох, сен қанчадан-қанча шаҳарларни кездинг, қанчадан-қанча дегизларда сузддинг... Мана инҳоят хўб жойининг топдинг! Энди ҳеч кимнинг роҳатини бузолайман! Бу ердан сени оғибур билан ҳам сўғириб ололмайдилар...

Йўқолган электр ёритиш жиҳозлари ҳам бир мири каби худди жойини топиб кетди. Лекин 1-монтаж бошқармаси [бошлиғи Г. Эльберт, бош инженери С. Фикс] дағиларга «қойил қолмай» илтифат қилди. Йўқолган буюмларнинг ўрнига янгилашни ўрнатиб, бемалол юрибдилар. Агар улар йўқолган «моделларнинг» нархини ўз шахсий ҳисобларидан тўлашганларида қўйида биз ҳисоб қилмоқчи бўлган уч хасиснинг кўнига тушишлар турган гап эди. «Уч хасис битта хонани ижарага олишбди. Ламамо жойини ҳар доим ижара олишаркан. Бир кун ламамо жойи олгани биттасининг пули етмабди. Шунда иккитаси келишиб, пул бермаган ҳамонасининг кўзини боғлаб қўйиб, чироқни ёқибди. Чироқни фақат ўрнига қирганларида ўчириб, пул бермаган

шеригининг кўзини очибди».

Электромонтажчилар ҳам бир-бирининг кўзини боғлаб ишлайётганга ўхшайди. Билмадик уларнинг мой босган кўзларини ким очаркин!

Акс ҳолда катта бир ташкилотда ишлар ўлда-жўлда таъавириш турган гап. Бу ерда очил ҳолда сақланадиган материалларни инвентаризация қилиш аҳён-аҳёнда номинганга ўтказилган. Ваҳоланки, бу иш қондага кўра ҳар ойда ўтказилиши шарт. Металлар, кабеллар, ёриткичлар ва бошқа материалларнинг ҳолига эса маймулар йиғиларди. Улар очил ҳавада, қишинг ёғин-сочин кўнлариде база территорияси бўйлаб роса «қорбўрон ўйнаётганлар»...

Қўланкаси майдон...

Тўққиз қаватли уйларни лифтиз тасаввур этолмайсиз. Тўғрими! Аниқса шундан хориб келганингизда лифт ишламай қолса, бундан ёмонроқ йўқ. Тўққизинчи қаватдаги квартирга чиқишнинг ўзи бўладими! Аниқса, қарилар...

Яқинда ҳок шонининг, хоҳ ишонманг бир қулғили, бир аянчли воқеа содир бўлди. Тўққиз қаватли уйнинг биринчи подзёвдидеги лифт ичидан «Ердам берилган, нафасим бўғилди» кетяпти, деган овоз келди. Ердам беришга шомилдик. Биласки, лифт бўлибди учинчи қаватда тўхтаб қолди. Юрак касали бот Ҳайри ҳола бечора қора терга ботиб кетган, базур нафас олади. Бир амаллаб қийибди олдик, ана шунанга... Шу-шу олтинчи қаватда турадиган Ҳайри ҳола лифтига чиқмади, юзини тескари буриб ўтди... Эшитишимизча, Тошкент «Лифтмонтаж» ме-

хансациялашган қўча колоннаси [бошлиғи К. Пав, бош инженери А. Гордиенко] коллектив ўрнатган лифтига ҳам одамлар чиқгани кўрқар эмиш. Чунки улар ўрнатган лифтига ана шундай панд беради.

Бунинг «боиси» бор, албатта. «Лифтмонтаж»да Давлат мулкни сақлаш, уни тежаб-тергаб масалаларига панга орасидан қарашди. Унинг базасида 20 та яқин комплект лифт ва унинг жиҳозлари ҳамда бошқа зарур бўйлардан очил ҳавада занг босиб ётибди. Шундай бўлган тили йўқ, жонин йўқ темир-терсакка айлантаётган «бечора» лифтига қандай ишласин, қўшин кампирга панд бергандек, бошқаларни ҳам «чу» туширади-да!

Бу ерда бошқа ишлар ҳам ўлда-жўлда. Шаҳар халқ назоратчилари бу ерда таъшир буюр-ганларида кўп нарсани аниқладилар. Чунки иш вақти ва мавжуд восталардан унумли фойдаланилмайди. Ёқилғи материаллари ортқиқа сарфланган. Чунки «ГАЗ-24» махсус автомобилли машинаси «хизматкор» сифатида обғи тимайди. Унинг ҳайдовчиси эса «аминасти» деб расмийлаштирилган ва ўтган йили давлат чўнтагидан «аминасти» сифатида авариясиз юргани учун 340 сўм мукофот пули олган. Ана шунанга, бу ердагилар «ўзи хон, қўланкаси майдон»...

Бракчилар

Бу сўздан ҳар ким нафратланиши турган гап. Аммо «Средстепломонтаж», трестининг «Таштёпломонтаж» қурилиш-монтаж бошқармаси [бошлиғи А. Каш, бош инженери В. Михальченко, бош бухгалтер Кулиба]дагилар фахрларини турган гап. Айтишларича, трест бўйича ўтказилган антика «бракчилар» беллашувида бошқарма аниқлари рақибларининг курагини ерга текказиб, биринчи ўринни олишбди.

Масалан, улар ўтган йили брак иш бажариб, уни яна қайта текисладилар. Пировард натижасида

керамзит, металл ва бошқа қурилиш материаллари ортқиқа сарфланди. Уларнинг жами баҳоси нақ 4,8 минг сўмликдан ошиб кетди. Ахир давлатнинг шунча пулни кўнча совиришининг ўзи бўлдики! Ахир бу «рекорд» кўрсаткич-да!

Ҳозирча бошқарма бу борада «танҳо пешкада»ликни қўлдан бермай келяпти.

Гапирверсак, бошқармада ҳангомалар жуда кўп. Бу ерда комплекс ишлар қалқилишида инструкторига мутлақо рўноз этилмайди. Белгиланган нормадан ташқари иш бажариб, ишчиларга асосий ҳақ тўланган. Ўтган йили бундай «мош» 875 сўмни ташкил этган...

Энг қизғин шундаки, бошқармадагилар бехуда кетган иш вақтини ҳар қандай йўл билан икитлашди...

Бундан ташқари, молия-шарт интизомининг бўзилишига ҳам йўл қўйилган... Хуллас бошқармадаги ишбилармонлар «Хисобини билмаган, ҳамёнидан айрилган» деган халқ мақолини ўзларига «Хисобини билган, ҳамёнини тўлдиради», деб ўзгартриб олшиб, бу мақолининг мағзини маза қилиб еб юрибдилар...

Хуллас, юқориде номлари қайд этилган қурилиш ташкилотларидаги бу нуқсон ва камчиликлар сўзсиз қурилиш раҳбарларининг масъулиятини тўла ҳис этимасликлари, ишнинг тўғри ташкил эта билмаганликлари оқибатидир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида ҳаётимиздаги бундай салбий қўрилишларга кескин кураш очил, уларга барҳам бериш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Афсуски, юқориде номлари келтирилган қурилиш ташкилотлари раҳбарлари бундан ҳали ўзларига тегишли хулоса чиқариб олмаган қўринадилар. Бундан Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигидеги ўртоқлар хабардормикан?

Т. ТОШЕВ.

